

Лекин «Муштарак масала» ушбу қоидадан чиқиб, барча эргашадиган аслга хилофдир. Аслида фарз эгаси ўз улушини олгач, қолган тарикани асаба олиши лозим эди. Шунинг учун «Муштарак масала»ни алоҳида зикр қилинади. Саҳобалар, тобеъинлар ва мужтаҳид имомлар бу масала хусусида турли фикрда бўлишган (Аллоҳ улардан рози бўлсин).

Масаланинг сурати. Бир аёл вафот этиб, ортидан эр, она, она бир икки ёки ундан кўп ака ёки ука ва туғишган бир ёки ундан кўп ака ёки ука қолган. Эрга ярим, онага олтидан бир, она бир акаларга учдан бир қисм берилса, туғишган ака-укаларга ҳеч нарса қолмайди. Ваҳоланки, улар асабадирлар. Шу билан бирга, уларнинг қариндошлик қуввати она бир ака-укаларникидан кўра кучлироқдир. Она бир ака-укалар билан она тарафдан қариндошликда шерик бўлсалар, уларда яна ота тарафдан қариндошлик қуввати ҳам бор. Шунинг учун она бир ака-укаларга учдан бирда шерик бўладилар. Уларнинг барчаси она бир ака-укалар деб ҳисоб қилинади ва улардаги эркак-аёллар тенг кўрилади.

«Ислом шариатида мерос илми» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 24 августдаги 03-07/5163-рақамли ҳамда 2022 йил 27 сентябрдаги 03-07/7348-рақамли хулосалари асосида тайёрланган.